

АҲОЛИ ТАШАББУСЛАРИНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

"Ташаббусли бюджет" дастурида ғолиб бўлмаган кўплаб лойиҳаларга ҳам маблағ ажратилади. Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев бўлиб ўтган йиғилишда мутасаддиларга кўрсатма берди.

Мамлакатимизда ижтимоий инфратузилмадаги камчиликлар манзилли ҳал этилмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳалар аҳолининг талаб ва тақлифлари асосида шакллантирилмоқда.

Шундай ишлар доирасида сўнгги уч йилда 9 минг 500 та маҳаллага 57 триллион сум ажратилган. Бу маблағлар ҳисобига 3 минг 500 та маҳаллада ички йўллар, яна таъминотида боғча, мактаб ва шифохона таъмирланган. 1 минг 19 та маҳаллада ичимлик ва оқова суви таъминоти яхшиланиб, 452 таси замонавий қиёфага келтирилган.

Инсон қадрли тамойили асосида бу йил маҳаллаларга ажратилаётган маблағлар қулами 25 триллион сумга етказилди. Хусусан, "Ташаббусли бюджет" дастури доирасида 8 триллион сум қўзда тутилган.

Яқинда ушбу дастурнинг 1-мавсуми якуланди. Йиғилишда унинг натижалари ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Бу мавсумда аҳоли томонидан йўл, сув, электр, мактаб, боғча ва шифохоналарни яхшилашга 34 мингта лойиҳа тақлифлари овозга кўйилган. Овоз бериш жараёни якунига қура, 1 минг 666 та лойиҳа ғолиб деб топилган.

Бу борада одамларнинг фаоллиги ошгани ҳам эътиборга молик. Масалан, 2021 йилда овоз бериш жараёнида 1 миллион 200 минг аҳоли иштирок этган бўлса, бу йил

1-мавсумнинг ўзида уларнинг сони 16 миллиондан ошди. Шунингдек, ilk маротаба "Ташаббусли бюджет" дастурида республиканинг барча маҳаллалари ўз лойиҳаси билан иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ғолиб лойиҳаларни сифатли бажариши билан бирга бошқа лойиҳаларга ҳам эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

— Масалан, 1 минг 300 та лойиҳага 2 мингдан ортқ аҳоли овоз берган бўлсада, ғолиб бўлмаган. Бу — 4 миллиондан ортқ аҳоли кутарган масала ечимини топмади, дегани. Шунинг учун аҳолининг бу хайрли тақлифларини қўллаб-қувватлашимиз зарур, — деди Президент.

Ушбу лойиҳаларга қўшимча 1 триллион 300 миллиард сум ажратилиши белгиланди. Яна бир муҳим жиҳати, "Ташаббусли бюджет" дастурида қатнашган 34 мингта лойиҳа келгуси йил бюджетини шакллантириш учун тайёр тақлиф. Масалан, маҳаллалардаги тиббиёт муассасаларини таъмирлаш бўйича мингдан ортқ мактабларни парта ва компьютер билан жиҳозлашга 5 мингдан зиёд лойиҳа тақлифи келиб тушган.

Президент "Ташаббусли бюджет" да 1 минг 500 дан ортқ овоз тўплаган лойиҳаларни 2024 йилги бюджетни шакллантиришда инобатга олиш зарурлигини таъкидлади.

Ўза

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий соҳа объектларидаги иситиш тизимларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, ушбу объектларга иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб бериш ҳамда энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Андижон вилоятининг Бўстон туманидаги 69 та ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2023-2026 йилларда республика ҳудудларида фаолият юритаётган

давлат ижтимоий соҳа объектларини кўмир ёқилгисига утказиш орқали куз-қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш ҳамда муассасаларнинг иссиқлик тизimini таъмирлаш ва белгиланган меъерларда ишлашини таъминлашнинг давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор иштирокида босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин. Бунда: **Биринчи босқичда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги 5 722 та давлат ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимларини хусусий сектор иштирокида модернизация қилиш ва бошқариш тизими жорий қилинсин;**

Давоми 2-бетда

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ҲАРАКАТСИЗЛИКДАН ФАОЛЛИК САРИ ЙЎЛ Фуқароларнинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш хроникаси қандай бўлган эди?



Умумхалқ референдумига қўйилган янги тахрирдаги Конституцияимизнинг "Фуқаролик" деб номланган VI боби 32-моддасида бундай дейилади: "Конуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунида белгиланган чекловлар мустасно. Ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунида белгиланган чекловлар мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўқсонликсиз қайтиш ҳуқуқига эга".

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ



БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР КЛАСТЕРИ

Халқимизга ва илм-фанга нима беради?



Президентимиз шу йил 7 апрель куни ҳудудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Гулистон шаҳри мамлакатимизнинг "Инновацион тиббиёт хаби"га айлантирилишини маълум қилди. Бу дегани, келгусида Сирдарёда 500 миллион долларлик инвестиция ҳисобига Ўзбекистон-Ҳитой биотехнологиялар кластери қурилади.

Мазкур кластernи ташкил этиш натижасида биотехнология соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, биотехнологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш салоҳиятига эга кадрлар тайёрланади. Соҳага доир дунёдаги энг сўнгги инновацион ишланма ва илмий тадқиқот натижаларини жалб қилиш имконияти юзга келади. Инновацион технологиялар трансфери амалга оширилади.

Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ИЛҒОР ТАШАББУС ВА ҒОЯЛАР РЎЁБГА ЧИҚАДИГАН ҲУДУД

Бугун Сирдарё вилояти таълим сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, замонавий талабларга жавоб берадиган тиббиёт инфратузилмасини шакллантириш борасида ҳам илғор ташаббус ва ғоялар рўёбга чиқадиган ҳудудга айланаётгир. Мана шу саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш учун давлатимиз раҳбарининг яқинда вилоятга ташрифи асосида мутасаддиларга қатор топшириқ ва вазифалар берилди.

Давоми 5-бетда



ИЛҲОМ

СИРДАРЁ ТАРОНАСИ

Сирдарёда уйғониш,
Ўтди қанча гам-ташвиш.
Ўтди рутубатли қиш,
Сирдарёда уйғониш.
Қишга инқироз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Биз барчамиз — бир дарё,
Элу халқимиз — бир дарё.
Бизга шу тақдир дарё,
Она дарё, Сирдарё,
Халқ сенга қиёс бўлсин —
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ғоҳ биздан қочганларинг,
Мунг ютиб шошганларинг,
Мул бўлиб тошганларинг —
Ризқ йўлин очганларинг.
Тулғонишинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Бу эл — менинг элимдир,
У менга муаллимдир.
Букун нажот — илмдир,
Таълим, таълим, таълимдир.
Эҳтиром, эъзоз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ўйлар қур, мактаблар қур,
Мақтаниб, мақтаблар қур,
Қалбингга нақш айлаб қур,
Умрингни бахш айлаб қур,
Маърифат асос бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ким бизнинг улуглардир —
Олам ҳам улуглайдир.
Элни нурга чулғайдир,
Қизларингни улғайтир.
Улғайшинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Тура Сулаймон бир ён,
Жумла газалхон бир ён.
Ҳалима хушхон бир ён,
Мактаб — изсоҳдон бир ён.
Ҳар китоб — устоз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ғафим эмас енгил гап,
Ё шунчаки кўнгул гап,
Ҳар ука, ҳар сингилга,
Ҳар дил, ҳар бир кўнгулга,
Шундоқ илтимос бўлсин:
Уйғонишинг рост бўлсин.

Қалбим, сен ҳам кўп, қалққин,
Қарздорисан шу халқнинг.
Қарзин бажаргил халқнинг,
Фарзин бажаргил Ҳақнинг.
Куй-хонишинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ўттиз беш милён кўкрак
Ичра урар бир юрак.
Эл-юрт, миллат муштарак,
Уйғоқ юраклар керак.
Замон иқтибос бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Сирдарё, кенг жаҳонсан,
Уйғоқ кавну маконсан.
Бугун — буюк қарвонсан,
Келажакка равонсан.
Эл-юрт сарафроз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Сироҷиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

*Тура Сулаймон сатри



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ИЖТИМОЙ СОҶА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бета

давлат ижтимоий соҳа объектида мавжуд иситиш тизимларининг жорий ҳолатидан келиб чиқиб, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларининг барча туман (шаҳар)ларида ҳамда бошқа вилоятларнинг 2-иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларида давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишлари бошлансин.

3. Куйидагилар: Ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш тизимини жорий этиш бўйича "йул харитаси" 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давлат ижтимоий соҳа объектиларини иситиш тизимларини 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишлари имлолаш режаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давлат ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимларини 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишларини ташкиллаштириш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Куйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимлари учун талаб этиладиган кўмир ва бошқа ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашга кўмаклашиш;

ҳар чоракда туман (шаҳар) ҳокимликлари ва жалб қилинган хусусий шериклар томонидан бажарилган ишлар натижадорлигини ўрганиш ва мунтазам мониторинг қилиб бориш;

давлат ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини куриш;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг лойиҳалар ижроси юзасидан ахборотларини қабул қилиш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий материалларни киритиб бориш;

мазкур қарорда кўрсатилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиб бориш.

5. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Закиров), Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразақов) ва Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Бозаров):

бир ой муддатда туман (шаҳар)ларда давлат ижтимоий соҳа объектилари бўйича мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов асосида лойиҳа институтларини жалб қилиш ҳамда мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларини хатловдан ўтказган ҳолда нуқсонлар тўғрисида далолатномаларни расмийлаштириш;

жорий йил 1 июнга қадар жалб қилинган лойиҳа институтлари кўмагида туман (шаҳар)ларда ижтимоий соҳа объектиларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, давлат экспертизасидан ўтказиш тизимини таъминлаш. Бунда, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш харажатлари ҳудудлар маҳаллий бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

жорий йил 1 июлга қадар туман (шаҳар)ларда давлат-хусусий шериклик асосида ижтимоий соҳа объектиларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва бошқариш лойиҳаларининг (кейинги ўринларда — Лойиҳалар) концепцияларини тасдиқласин;

жорий йил 1 августдан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва лойиҳа концепциялари тасдиқланган туман (шаҳар)ларда ижтимоий соҳа объектиларининг иссиқлик тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарма-бошқич модернизиция қилиш ишларини бошласин.

6. Лойиҳаларни амалга оширишда: давлат шериги этиб — туман (шаҳар) ҳокимликлари белгилансин;

хусусий шериклар — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни талабларига мувофиқ тендер ўтказиш ва (ёки) Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларининг қарорлари асосида энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали аниқлансин.

7. Белгилаб қуйилсинки, Лойиҳаларни амалга оширишда қуйидаги вазифа ва мажбуриятлар бажарилиши таъминланади:

а) давлат шериклари томонидан: давлат ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимларини хатловдан ўтказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмир ёқилғисидан ишлайдиган энергия тежамкор қозонларни ўрнатилган ва объектлардаги ички иссиқлик тармоқларини модернизация қилишни назарда тутиш;

Лойиҳалар бўйича концепцияларни тасдиқлаш;

Лойиҳаларни амалга ошириш учун тендерларни ташкил қилиш ҳамда хусусий шерикларни шаффоф ва очиқ шартларда танлаш;

жалб қилинган хусусий шериклар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларга иситиш объектилари ва тизимларини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатда вақтинчалик бепул фойдаланишга бериш;

Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағларни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатларда ва миқдорларда йўналтириб борилишини таъминлаш;

хусусий шериклар томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини доимий назорат қилиб бориш, натижаси бўйича ҳар чоракда Республика ишчи гуруҳига ахборот бериш;

хусусий шериклар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда битимни бир томонлама бекор қилиш;

б) хусусий шериклар томонидан: санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ижтимоий соҳа объектиларининг ички қисмларида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати давомида иссиқлик ҳароратини лозим даражада таъминлаш. Бунда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектиларида иссиқлик қуввати ҳисобини юритишнинг онлайн тизимларини жорий этиш бўйича талаб қуйилиши мумкин;

иситиш учун меъёр бўйича талаб этиладиган кўмир ва электр энергияси харажатларини камида 20 фоизга ва иссиқлик энергияси йўқотишларини 30 фоизга камайтириш;

ижтимоий соҳа объектиларида Ўзбекистон Республикасида камида бир йил синовдан муваффақиятли ўтган ва хизмат қилиш кафолати камида 16 йилни ташкил қиладиган қозонларни ўрнатиш;

ўрнатилган иситиш қозонларининг сифатини кафолатлаш ва муддатидан олдин яроқсиз ҳолатга келган иситиш қозонларини ўз маблағлари ҳисобидан янгиллаш. Бундай ҳолларда Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди;

ижтимоий соҳа объектиларини иситиш билан боғлиқ барча масалаларни ўз зиммасига олиш.

8. Белгилансинки: Лойиҳаларни амалга оширишда модернизация қилиш ва таъмирлаш харажатлари учун талаб этиладиган инвестиция маблағлари хусусий шериклар ва Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан ажратилади;

хусусий шерикларнинг улуши камида 50 фоиз ва объектларни эксплуатация қилиш муддати 10 йилни ташкил этади;

Лойиҳаларни бошқариш ва эксплуатация қилиш даври давомида хусусий шериклар томонидан кўрсатилган хизматлар 2023 йилда маҳаллий бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар, шунингдек, мавжуд штат бирикларини қисқартириш ҳамда энергия ресурсларини тежаш ҳисобига иқтисод қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектиларида иссиқлик энергияси йўқотишларини камайтириш ва объектнинг энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари кўзда тутилиши мумкин;

туман (шаҳар) ҳокимлари ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимлари тўлақонли фаолият кўрсатиши учун масъул ва шахсий жавобгар ҳисобланади;

туман (шаҳар) ҳокимлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида хусусий шерикка ўз мажбуриятларини бажаришга ҳар томонлама, шу жумладан, кўмир ёқилғисини муддатидан олдин жамлаб қуйида амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига хусусий шерикларнинг энг мақбул таклифларини танлаб олишда қуйидаги талабларга эътибор қаратиш тавсия этилсин:

хусусий шериклар маблағларининг улуши камида 50 фоиз ва ундан юқори бўлиши;

хусусий шериклар томонидан кўрсатилган хизматлар учун харажатлар миқдори маҳаллий бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағларга нисбатан кам бўлиши;

хусусий шерикларнинг солиқ тўловчи сифатида ишончли бўлиши ва охириги йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади 3 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги.

10. Белгилансинки: Лойиҳалар ҳар бир ижтимоий соҳа объекти бўйича алоҳида лотга ажратган ҳолда амалга оширилади;

туман (шаҳар)лардаги мавжуд ижтимоий соҳа объектиларининг сонидан, муассасаларнинг олис ҳудудларда жойлашувидан ҳамда ташаббускор хусусий тадбиркорлик субъектиларининг таклифларидан келиб чиқиб, Республика ишчи гуруҳи билан келишувга кўра икки ва ундан ортиқ лойиҳаларни бйрлаштирган ҳолда лотларга ажратишга рухсат берилади.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) 2023 йилда республика бўйича давлат-хусусий шериклик асосида давлат ижтимоий соҳа объектиларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш учун жами 500 миллиард сўм, шундан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун 250 миллиард сўм, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятларида 50 миллиард сўмдан маблағ ажратсин.

Бунда, ушбу харажатлар 2023 йилда Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилган маблағларни қайта тақсимлаш ҳамда республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплансин.

12. Иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган (импорт қилинадиган), республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар 2025 йилнинг 1 январига қадар боғжона божидан озод қилинсин.

Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов), "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси (М.Юнусов) иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда олиб келинадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатини шакллантириш ҳамда белгиланган тартибда комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

13. Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ (Д.Султанов) маҳаллий электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бйрга:

бир ой муддатда икки хил, жумладан, қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда соҳадаги мавжуд корхоналар базасида энергия тежовчи ва хавфсизлик даражаси юқори бўлган иситиш қозонлари (ҳар хил ёқилғида ишлайдиган) ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин.

14. Республика ишчи гуруҳи (Ш.Кудбиев):

манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан туман ҳамда шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўз тасарруфидаги ижтимоий соҳа объектиларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилингандан сўнг ечиб олинмаган ва фойдаланишга ёроқли бўлган иситиш қозонлари эҳтиёжи мавжуд бўлган бюджет ташкилотлари ва бегараз ўтказиб берилишини ташкиллаштирсин;

Энергетика вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектиларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Лойиҳаларни амалга ошириш учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратилмаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан молиявий назорат тадбирлари ҳар йили ўтказилишини таъминласин.

Бунда, давлат шериги ва хусусий шерик Лойиҳалар учун ажратилмаган Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) Лойиҳалар бўйича тасдиқланган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши ва битим шартларига риоя этилиши юзасидан доимий мониторингини амалга ошириб бориш.

Бунда, мониторинг натижасида биринчи марта аниқланган камчиликлар учун йиллик тўлов миқдори 10 фоизга, иккинчи марта аниқланган камчиликлар учун 20 фоизга камайтириш ҳамда учинчи марта аниқланган камчиликлар учун битимни бекор қилиш каби жазо чораларини қўллаш механизми татбиқ этилсин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўчимов), Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси (А.Хаджаев), Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектиларига етказиш мақсадида турли учрашулар, тематик давра суҳбатлари ташкил этсин ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битим лойиҳасини ишлаб чиқиб, барча туман (шаҳар) ҳокимликларига тақдим қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д.Кудбиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

БУГУННИНГ ГАПИ

Янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш учун ўтказиладиган умумхалқ референдумига ҳам сафоқли қўллар қўнди. Ҳар биримизга дахлдор бу муҳим сиёсий тадбирга катта ҳозирлик қўрилмоқда. Бу жараёнда Конституциямиз янги таҳрирининг амалдагисидан фарқли жиҳатларига тўхталиш ўринли бўлади.

ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ — ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИНСОНИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ БОШ КАФОЛАТИ

Биринчидан, амалдаги Конституциянинг 128 моддаси 155 тага қўйиб, унинг нормалари 275 тадан 434 тага оширилди.

Иккинчидан, Конституция янги таҳрирининг 65 фоиз матни халқимиз тақлифлари асосида қўшилган ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормалар 3,5 баробар кўпайган.


Тақлифларнинг ҳар тўрттадан биттаси Асосий қонунимиз янги таҳрирдан жой олгани ҳам у халқимиз хоҳиш-иродасини ўзида мужасамлаштирганидан далолатдир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари кафолати мустаҳкамланаётгани алоҳида эътиборлидир.

Жумладан, 50-модда "таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади", деган норма билан тўлдирилди.

Бу алоҳида таълим олишга муҳтож шахсларнинг инклюзив таълим олишини давлат доимий кафолатлаш мажбуриятини ўз зиммасига олишини аниқлади.

Мақсад аниқ — аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, таълим муассасалари шароитларини имконияти чекланган болалар манфаатини ҳисобга олган ҳолда яхшилаш орқали ногиронлиги бўлмаган болаларга тенг таълим ва касбий-техник тайёргарликдан тенг фойдаланиш имконияти ҳамда барча учун хавфсиз, самарали ўқитиш муҳитини яратиш.



Қонун ҳужжатларида жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган ва алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, соғлом болалар қаторидан ўрин олиб, ўз бошқа бирор мақомидан қатъи назар, асосий ҳуқуқларини кафолатлайди. Давлатнинг "алоҳида чора-тадбирлар орқали оилалар, болалар, аёллар, қариюрлар ва ногиронлар ҳимоясини таъминлаш"и курсатилган.

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ, АҚЛИЙ, СЕНСОР (СЕЗГИ) ЁКИ РУҲИЙ НУҚСОНЛАРИ БЎЛГАН 21 МИНГ 231 БОЛА УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 90 ТА МАКТАБ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. БУНДАН ТАШҚАРИ, ЕНГИЛ ДАРАЖАДАГИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН 18 МИНГГА ЯҚИН УҚУВЧИ МАКТАБДА СОҒЛОМ БОЛАЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

қобилияти ва имкониятини курсата олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Хусусан, 2020 йил 23 сентябрь кун янги таҳрирда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонунга илк бор "инклюзив таълим" тушунчаси киритилди. Ногиронлик эндиликда тиббий масала эмас, балки инсон ҳуқуқлари масаласи, дея қонуний эътироф этилди. Таъкидлаш жоизки, ногиронлиги бўлган болалар учун тўсиқлардан ҳоли ва инклюзив муҳитини яратиш орқали уларнинг тўлиқ ва сифатли таълим олишини таъминлаш бола ҳуқуқларини амалга оширишнинг самарали йўлларидан бири сифатида белгиланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган 21 минг 231 бола учун ихтисослаштирилган 90 та мактаб фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, енгил даражадаги ногиронлиги бўлган 18 мингга яқин ўқувчи мактабда соғлом болалар билан биргаликда таълим олмақда.

яратилмаса, уларнинг ҳуқуқи камситилишига олиб келади. Давлатлар конституциявий ривожланишини ўрганишга асосланган таҳлилларга таяниб айтиш мумкинки, ўз Конституциясига ногиронлиги бўлганлар тенглиги тўғрисидаги қондан киритган биринчи мамлакат Канада бўлиб, унда "Ҳар бир шахс ҳеч қандай камситишсиз, шу жумладан, irqи, миллати, дини, жинси, ёши, ақлий ёки жисмоний нуқсонларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир", дейилган.

Германиянинг Асосий қонунида ҳам худди шу мазмундаги норма мустаҳкамлаб қўйилган: "Ҳеч бир инсон ногиронлиги сабабли камситилиши мумкин эмас". Қонунга қўра, ҳар бир фуқаро "реабилитация қилиниш ва одатий ҳаёт тарзига интеграциялаштириш ҳуқуқига эга". Мамлакатнинг Конституцияси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг нафақат федерал даражадаги, балки барча маҳаллий федерал ерлар ҳамда жамоалар доирасидаги куйи даражалари, шунингдек, турли жамоат идоралари ва муассасалари зиммасига барча тоифадаги ногиронлиги бўлганларни "имкон қадар одатий ҳаёт тарзига киритиш, интеграциялаш" бўйича барча чораларни куриш масъулиятини юклайди.

Ногиронлиги бўлганларнинг ҳуқуқлари Венгрия Конституциясида ҳам ўз аксини топан. "Венгрия ҳар қимга камситишларсиз, хусусан, irqи, танасининг ранги, жинси, ногиронлиги, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати, туғилиши ёхуд

Дунё мамлакатлари конституцияларини ўрганиш курсатдики, уларда ҳам ногиронлиги бўлган ҳар қандай шахснинг барча жойга кириши, жамоат транспортдан ва маълумотлардан, имо-шоралар тили, брайль алифбоси ёки бошқа тегишли алоқа воситаларидан фойдаланиши, ногиронлиги билан боғлиқ зарур материаллар, моддалар ва қўрилмаларга эга бўлиши, оқилона меҳнат шароити, меҳнат қондалари, амалиёт ёки муолажалардан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ҳар қим уй-жойли бўлиш, соғлиқни сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш, давлат хизматларидан фойдаланиш, ўз сиёсий иродасини эркин билдириш ҳуқуқига эгаллиги кафолатланаётгани мамлакатимизда "Инсон қадри учун" тамойили амалда ўз ифодасини топаётгани, қолаверса, Асосий қонунимиз ҳақиқий маънода халқ Конституцияси бўлаётганидан далолат беради.

Илҳом СУВОНОВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ҲАРАКАТСИЗЛИКДАН
ФАОЛЛИК САРИ ЙЎЛ

Фуқароларнинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш
хроникаси қандай бўлган эди?



Дилмурод ОРТИҚОВ,
Судьялар олий мактаби
доценти, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори

Бошланғич 1-бета

Бош қонунимизга киритилган биргина
мана шу модда ва "ҳар ким мамлакат
бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва
яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга"

Мана шу модда ва унинг мазмун-мо-
ҳиятини шарҳлаш баробарида кейинги
йилларда Ўзбекистонда паспорт режими
ва фуқаролик билан боғлиқ амалга оши-
рилган катта ислохотлар ҳақида ҳам ҳаё-
тий мисоллар асосидаги тахлиллий мушо-
ҳадаларимизни урқоклашасак.

Дунёда энг тансиқ туйғулардан
бири — ҳаловат. Инсон ўз юртида эмин-
эркин яшашни, барча ҳуқуқлардан фой-
даланишни истаيدди. Шундай кунлар
булдики, одамлар бир хулуддан бошқа-
сига сафарга отинар экан, биринчи га-
да ўзи билан фуқаролигини тасдиқловчи
ҳужжати оладиган бўлди. Агар шундай
қилмас, унинг манзили назорат пункт-
ларида турарди.

Яна бир масала — доимий ёки вақ-
тинчалик рўйхатдан ўтиб яшаш муам-
моси неча йиллар одамларни қинаб
қелаётган эди. Сарсон-саргардонликлар,
табиийки, вақтни олар, асабларни чарча-
тарди.

Аслида, ривожланган давлатларда
тараққийёт даражаси юқорилигини асосий
омилларидан бири айнан аҳолининг
эркин ҳаракатланиш имкониятига эгаллиги
билан боғлиқ. Эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи
шахснинг мамлакат ҳудудида бир жойдан
иккинчи жойга бориши, турар ва яшаш
жойини эркин ўзгартириши, мамлакатдан
чиқиши ва қайтишини қамраб олади.

Мамлакатимизнинг яқин ўтмишида
эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асосий
чекловчи қонуности ҳужжатлар мажҳуд
эди. Масалан, баъзида фуқароларимиз
Тошкентга келиш учун йўллардаги назорат
постларида паспортсиз ўта олмасди,
ишлаш ёки қариндошларини куриш учун
пойтахтга келиб туришида ҳам қийинчи-
ликлар кўп бўлган.

Прописка ва рўйхатга олиш тизими
мажҳудлиги эркин иқтисодиётга, жумла-
дан, мамлакатда сайёҳлик тизими ривож-
ида ҳам раҳна солиб турган. Шунингдек,
ишга кирмоқчи бўлганлардан прописка
бор-йўқлиги сураларди. Умуман айтган-
да, прописка тизими "ҳалқимизнинг
оёғига солинган кишан" эди.

"Юрагимдаги бир нијатимни сиз-
ларга айтмоқчиман. Ҳаммамиз ҳам
ўз вақтида ўй олиш, пропискага ўтиш
бўйича муаммоларга дуч келганмиз,
50-60 ёшдаги урта ёш вакилларини,
айниқса, Тошкентга ёки катта шаҳар-
ларга келиб ишлаймаз, деганларни
ҳаётда энг қийнаган нарса уй ва про-
писка эди. Менинг энг катта нијатим
шунки, ватанимиз ичра ҳар бир инсон
ўзининг кичик ватанига — уй-жойи-
га эга бўлса, биздан ҳалқимиз ҳам,
Яратган ҳам рози бўлади", дея таъ-
кидлаган эди Президентимиз Шавкат

Мирзиёев мамлакатимизда янги ва ҳалқ-
чил ислохотларни бошлаш экан.

Прописка тизими эскилик сарқитидир.
Мазкур тизим урта асрларда феодал
руҳсатисиз деҳқонларнинг ер участка-
сини тарқ этишини тақийтлаш, агар шун-
дай ҳуқуқбузарлик вужудга келса, улар
қайси ерга ва кимга тегишли эканини
аниқлаш мақсадида узига хос прописка-
лик паспортлар бериш тартиби бўлган.
Кейинчалик собиқ иттифок даврида тур-
ли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш
мақсадида яна шунга ўхшаш тизим йўлга
қўйилди. Натижада собиқ иттифок дав-
латларида паспорт ва пропискаси бор
шахслар қатор имтиёзларга эга бўла
бошлади. Айтиқса, агар фуқаро марказ
ва аҳоли эиқ пунктларда яшаган бўлса,
қишлоқ ёки чекка ҳудудларда истиқомат
қилувчиларга нисбатан ҳуқуқлари кўпроқ
булиши белгиланди. Ушбу даврда им-
тиёзлар "қулоқ" бўлганлар ҳамда улар-
нинг оилаларига нисбатан умуман тағбиқ
этилмас, уларни илжози борича чеккароқ
ҳудудларга жойлаштиришга ҳаракат
қилинарди. Паспортсиз ёки рўйхатдан
ўтмаган шахслар қўллаб имтиёзлардан
маҳрум бўлар эди.

Сунги йиллардаги ислохотлар на-
тижасида йиллар давомида ечимини
топмай келаётган бу муаммо бартараф
этилди, соҳада жиддий илжобий ўзгар-
ишлар бўлди.

Биринчидан, "доимий прописка қи-
лиш" ва "турган жойи бўйича ҳисобга
олиш" тушунчалари "доимий яшаш
жойи бўйича рўйхатга олиш" ва "вақ-
тинча турган жойи бўйича рўйхатга
олиш" тушунчаларига ўзгартирилди.

Иккинчидан, фуқароларга биринчи ва
иккинчи даражадаги қариндошларини ўзи
доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда
булган манзил билан бирга, эгаллигида булган
уй-жой майдонига доимий яшаш жойи бўй-
ича рўйхатга қўйиш имконияти яратилди.

Учинчидан, доимий яшаш жойи бўй-
ича рўйхатга қўйиш учун эр-хотиннинг
ниқоҳдан кейин бир йил давомида бир-
галида яшаш шарти ҳамда бир йил ичида
ниқоҳ бекор қилинган тақдирда доимий
яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши йў-
қотилиши тўғрисидаги қоида олиб таш-
ланди.

Тўртинчидан, оилага тарбияга олин-
ган (патронат) шахслар уларнинг ту-
тинган ота-онаси доимий яшаш жойи бўйича
рўйхатга олиниши белгиланди.

Бешинчидан, илгари Тошкент шаҳ-
ри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш
жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаро-
лар доимий яшаш учун тегишлича қай-
тиб келганида, уларни Тошкент шаҳри
ва Тошкент вилоятига ҳеч қандай тўсиқ-
ларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта
рўйхатга олиш тартиби жорий қилинди.

Олтинчидан, тегишли лавозимларга
сайланган, тайинланган, тасдиқланган
фуқароларга ҳамда республика аҳа-
миятига молик бошқа давлат ташкилот-
ларига ишга тақийф этилаётган юқори
малакали мутахассислар учун лавозим-
ни эгаллаб туриш даврига бериладиган
доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга оли-
ниш ҳуқуқига чеклов бекор қилинди.

Еттинчидан, Тошкент шаҳри ва
Тошкент вилоятида жойлашган давлат
органлари ва ташкилотларида 5 йил
муддат мобайнида узлуқсиз меҳнат
фаолиятини юритаётган мутахассис-
ларни (техник, хизмат кўрсатувчи ва иш-
лаб чиқариш ҳодимларидан ташқари)
мазкур ҳудудларда доимий яшаш жойи
бўйича рўйхатга олиш тартиби жорий
қилинди.

Саккинчидан, республиканинг
бошқа ҳудудларида доимий яшаш жойи
бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон



Республикаси фуқаролари Тошкент
шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қу-
рилган уйлари сотиб олиб, уч йил ичи-
да сотган холатларда давлат боқининг
алоҳида ставкаларини қўллаш тартиби
бекор қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг доимий яшаш ва вақ-
тинча турган жойи бўйича рўйхатдан
ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кун
ҳамда доимий яшаш ва вақтинча турган
жойи бўйича рўйхатга олиниши расмий-
лаштириш бир кун ичида амалга ошири-
лиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқарола-
рини доимий яшаш жойи бўйича рўйхат-
га олишда аввалги доимий яшаш жойи-
дан рўйхатдан чиқиш тартиби ва доимий
яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши
расмийлаштиришда паспорт, уй дафта-
рини ёки хонадон қарточкасига рўйхатга
олиш штамплари босиш амалиёти бекор
қилинди. Ўз навбатида, доимий яшаш
жойи бўйича рўйхатга олишда харбий
хизматга мажбуриятнинг мудофеа ишла-
ри бўлимларига харбий ҳисобдан чиқиш
ва харбий ҳисобга туриш учун бориш
тартиби бекор қилинди. Шу билан бирга,
доимий ва вақтинча турган жойи бўй-
ича рўйхатга олиш фуқаронинг хошияга
қура, ички ишлар органлари, Давлат хиз-
матлари марказлари ёки Ягона интерак-
тив давлат хизматлари портали орқали
амалга оширилади ҳамда унинг муддати
3 кундан 1 кунга қисқартирилади.

Бу ислохотларнинг бардавом бўлиши
ва турли сабаблар билан прописка тиз-
ими қайта жорий этилмаслиги учун Бош
қонунимизда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи
мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамият-
га эгадир.
Шу боис, Президентимиз 2022 йил
20 июнь куни Конституциявий комиссия
аъзолари билан бўлиб ўтган учрашув-
да "фуқароларнинг мамлакат бўйлаб
эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш
жойини эркин танлаш ҳуқуқи, мамла-
катдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш
ҳуқуқи қафолатланиши лозим"лигини
таъкидлаганди.

Бу эса, юқорида айтганимиздек, янги
таҳрирдаги Конституциямизнинг 32-мод-
дасида ўз аксини топди.

Мазкур норманинг эътиборли жи-
ҳати шунки, у нафақат фуқароларимиз-
нинг, балки Ўзбекистонда турган фуқа-
ролиги бўлмаган шахсларнинг ҳамда
хорижий фуқароларнинг ҳам мамла-
катимиз ҳудудида эркин ҳаракатлани-
шини қафолатлайди. Бу ўз навбатида,
фуқароларга Ўзбекистоннинг хоҳлаган
жойига бориш, саёҳат қилиш, билим
олиш, ишлаш, тадбиркорлик қилиш им-
кониятини беради.

Ушбу норма зарурати инсонлар ҳаё-
тидаги иқтисодий муаммоларни янада
яхшилаш билан боғлиқ имкониятларни
тулароқ рўёбга чиқаришга тўсиқлик
қилаётганидан келиб чиқмоқда. Бунда
ишлаш, ўқиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа
манфаатлар чекланиши мумкин. Маз-
кур қондан Конституцияга киритилиши
хар бир шахснинг табиий ҳуқуқлари
рўёбга чиқишининг ҳуқуқий пойдевори
булиб, шунингдек, халқаро ҳамжамията
таъсирининг илжобий имжози орттишига
таъсир қилади.

Конституциянинг янги таҳририда эркин
ҳаракатланиш ҳуқуқига оид яна бир
норма, яъни "ҳар ким Ўзбекистондан
ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга,
булдан қонунида белгиланган чекловлар
мустанос. Ўзбекистон Республикаси
фуқароси Ўзбекистонга тўсиқларсиз
қайтиш ҳуқуқига эга"лиги белгиланмоқ-
да. Бундай конституциявий қафолат дав-
латга ушбу ҳуқуқларни химоя қилиш ва
эркинликларнинг асосий ҳамда қонунга
хилоф равишда чекланишига йўл қўймас-
лик мажбуриятини юқлайди.

Ушбу норма фуқароларимиз ўқиш, иш-
лаш, зиёрат қилиш, даволаниш, саёҳат
қилиш, дам олиш ва бошқа мақсадларда
чет давлатларга чиқиши ва мамлакатга
тўсиқларсиз қайтишини қафолатлайди.
Қонуничиликка қура, Ўзбекистон Респу-
бликаси фуқаролари хорижга чиқадиган
холларда уларга хорижга чиқиш био-
метрик паспортни расмийлаштирилади.
Хориждаги Ўзбекистон Республикаси
фуқаролари ҳам хорижга чиқиш био-
метрик паспортга эга бўлиши шарт. Соҳада
фуқароларга энгилликлар бериш мақса-
дида хорижга чиқиш био-метрик паспор-
тини расмийлаштириш ва бериш бўйича
давлат хизматлари 2022 йил 1 январдан

бошлаб ички ишлар органлари, Давлат
хизматлари марказлари ҳамда Ягона
интерактив давлат хизматлари портали
орқали курсатиб келинмоқда. Хорижга
чиқиш паспортлари 10 йил амал қилади.
Хорижга тез-тез чиқадиган фуқаролар
учун бу қўшимча қўлайликдир. Хориж-
га чиқиш паспорти, шунингдек, халқаро
стандартларга жавоб беради.

Эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини бел-
гилаш мақсадларидан бири фуқаро-
сизликка барҳам бериш ҳисобланади.
Юридимиздаги шиддатли ислохотлар ту-
ффали фуқаросизликка барҳам бериш
бюрасидаги вазият кейинги беш йилда
тубдан ўзгарди. БМТ Бош қотиби Анто-
ниу Гутерришнинг фуқаролиги бўлмаган
шахслар сонини қамраб олиш бўйича
қатъий чоралар қўриш билан боғлиқ ча-
қирғига жавобан фуқаролиги бўлмаган
қўллаб шахслар Ўзбекистон Республикаси
фуқаролигига эга бўлди.

Янгиланган "Ўзбекистон Республика-
сининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонунга
мувофиқ, мамлакатимизда камда 15
йил давомида яшаб турган ва доимий
яшаш жойида рўйхатдан ўтган фуқаро-
лиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри
фуқаролик берилишининг янги тартиби
ўрнатилди.

Шахснинг фуқароликка эгаллиги
жамият ҳаётида тўлақонли иштирок
этиш, хусусан, сиёсий ҳуқуқини амал-
га ошириш, сайловда иштирок этиш,
мулк ҳуқуқидан фойдаланиш, меҳнат,
таълим ва соғлиқни сақлаш соҳала-
ридаги ҳуқуқини қонуний асосда кенг
рўёбга чиқариш имкониятини қафолат-
лайди. Фуқаролик, шунингдек, инсон-
нинг мамлакат ҳудудида бир жойдан
иккинчи жойга кўчиш, келиш ва чиқиб
келиш каби бошқа қатор ҳуқуқларини
ҳам таъминлайди.

Мазкур норманинг яна бир муҳим жи-
ҳати халқаро ҳужжатларга Ҳамохангли-
гидир. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умум-
жаҳон декларациясида ҳар бир инсон
ҳар бир давлат доирасида бир жойдан
иккинчи жойга эркин кўчиш ва узига
яшаш жойини танлаш, исталган мам-
лакатни, шу жумладан, ўз мамлакатини
тарқ этиш ва ўз мамлакатига қайтиш
ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Шу

нингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар
тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ,
бирор давлат ҳудудида қонуний ра-
вишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд
доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш
жойини танлаш ва ҳар бир киши қаерда
туришидан қатъи назар, унинг субъект-
лик ҳуқуқи тан олиниши ҳуқуқига эга.

Ақсарият хорижий мамлакатлар Кон-
ституциясида эркин ҳаракатланиш ва
яшаш жойини танлаш ҳуқуқи белгилан-
ган. Германия, Жанубий Корея, Сло-
вакия, Грузия, Қозғистон каби давлат-
лар конституцияларида эркин ҳаракат-
ланиш ва яшаш жойини танлаш бирга,
мамлакат ҳудудида қонуний бўлиб тур-
ган ҳар бир шахс учун қафолатланади.
Қирғизистон ва Молдова конституция-
ларида эркин ҳаракатланиш ва яшаш
жойини танлаш ҳуқуқлари билан бирга,
булиш жойини эркин танлаш ҳуқуқи қа-
фолатланган.

Фуқаролар хорижга чиқишлари, эркин
ҳаракатланиши, айтиқса, тўсиқсиз ва ис-
талган вақт қайтиб келиши ҳақидаги нор-
ма Канада, Мароккаш, Руминия, Туркия
каби бир қатор давлатларнинг асосий
қонуниди учрайди.

Шубҳасиз, эркин ҳаракатланиш ҳуқу-
қинининг ҳасоий ҳуқуқи ва эркинлик-
лари орасида энг муҳим урин эгаллаб,
Конституцияда белгиланган бошқа иж-
тимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ-эр-
кинликлар билан бевосита боғлиқ. Бозор
иқтисодиётининг ақрапмас элементи
меҳнат қилиш эркинлигидир. Меҳнат қо-
билиятини эркин тасарруф этиш шартла-
ридан бири шахснинг иш жойини танлаш
имкониятидир. Шунингдек, таълим олиш,
дам олиш ҳуқуқларини амалга ошириш-
нинг шарти ҳам шахсларнинг эркин ҳа-
ракатланиши ҳуқуқига эгаллиги ҳисобла-
нади.

Эркин ҳаракатланишга оид янги нор-
ма қуртдошларимиз учун мамлакатнинг
хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш,
уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш,
фуқароликка эга бўлиш, билим олиш,
меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шу-
ғулланиб, даромад топиш, давлатнинг
турли хизматларидан фойдаланишга
оид кенг имкониятлар яратди ва энг
муҳими, бундай ўзгаришлар ҳар бир
инсоннинг қундалик ҳаётидаги эҳтиёж-
лари ҳал қилинишига илжобий таъсирни
кўрсатди.

Шунингдек, ушбу норма инсон қадри-
ни қамситувчи, ҳаракатланиш эркинли-
ги тўсиқ бўлган чекловларни бартараф
этиб, ҳар бир шахснинг мамлакатимиз
бўйлаб эркин ҳаракатланишини қафо-
латлайди, аҳолининг қишлоқ жойлардан
шаҳарларга эркин ҳаракатланиши учун
шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг
ижтимоий-иқтисодий ривож, урбанизация
жараёнларининг самарали амалга
олиши ва барқарор ривожланишида му-
ҳим омил бўлади.

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Фуқаролик жамияти институтларининг
мақоми янада мустаҳкамланади



Жаҳонгир САРИМСОҚОВ,
Ўзбекистон истеъмолчилар
ҳуқуқларини химоя
қилиш жамиятлари
федерацияси раиси

Мамлакатимизда туб ўзгаришлар даври нафақат амалдаги
қонунчилик, балки Конституцияни ҳам ислох қилиш, унда
янги давр мақсадларини тўла-тўқис акс эттириш вазифасини
қун тартибига қўйди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз
моҳиятан "Инсон — жамият — давлат" деган улутвор
тамоилни бош қоида сифатида мустаҳкамлашга қаратилган.

Фуқаролик жамияти институтлари ўрни
ва мақоми мустаҳкамлаш, жамоатчи-
лик назорати самарадорлиги ҳамда
фуқароларнинг демократик ўзгаришлар-
даги фаолигини ошириш, соҳани тар-
тибга солиш ҳуқуқий базани тақиймла-
штириш борасида изчил ишлар олиб
борилмоқда. Охири беш йил давомида
ННТлар сони 22 фоиз ошгани, жумладан,

200 га яқин йирик нодавлат нотижорат
ташкилот фаолият юритиб келаётгани
ҳам бунга мисол бўла олади. Соҳада доир
ишларни сифат жиҳатидан янги босқич-
га кўтариш ҳамда фуқаролик жамиятини
ривожлантиришининг яқин ва урта му-
ддатли истиқболларини белгилаб олиш
мақсадида 2021-2025 йилларга мулжал-
ланган концепция ҳам тасдиқланган.

250 дан ортқ қонун ҳужжати қабул қи-
линган. Шунга қарамай, фуқаролик жа-
мияти институтлари хозирга қадар кон-
ституциявий мақомга эга эмас эди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда фу-
қаролик жамияти институтлари мақоми-
нинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб
қўйиш мақсадида XIII боб номи "Жамоат
бирлашмалари"дан "Фуқаролик жамияти
институтлари"га ўзгартирилди. Конститу-
циянинг 56-моддаси янги таҳрирда баён
қилинди. 98- ва 122-моддалари эса янги
нормалар билан бойитилди.

Илк мартабада киритилган "фуқаро-
лик жамияти институтлари" тушунча-
сига бундай таъриф берилмоқда: "Фу-
қаролик жамияти институтлари, шу

жумладан, жамоат бирлашмалари ва
бошқа нодавлат нотижорат ташкилот-
лари, фуқароларнинг узини ўзи бош-
қариш органлари, оммавий ахборот
воситалари фуқаролик жамиятининг
асосини ташкил этади.

Фуқаролик жамияти институтлари-
нинг фаолиятини қонунга мувофиқ
амалга оширилади" (69-модда).

Хозир фуқаролик жамияти институ-
ларининг ҳуқуқий асослари "Ўзбекистон
Республикасининг жамоат бирлашма-
лари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижо-
рат ташкилотлар тўғрисида"ги, "Жамоат
фондлари тўғрисида"ги, "Сиёсий пар-
тиялар тўғрисида"ги, "Қасаба уюшма-
лари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа

қоздан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатда
тарққоқ хоплатда белгиланган. Фуқаролик
жамияти институтларининг конституция-
вий мақомга эга бўлиши бу каби муам-
моларга ҳам ечим бўлади.

Янги таҳрирдаги Конституцияга қура,
фуқаролик жамияти институтларини
қўллаб-қувватлаш чоралари белгила-
ниб, жамоатчилик назоратини амалга
ошириш вақолати берилмоқда. Бундан
ташқари, давлат органлари ва мансаб-
дор шахсларнинг нодавлат нотижорат
ташкилотлар фаолиятига аралаш-
ишга, шунингдек, нодавлат нотижорат
ташкилотларнинг давлат органлари ва
мансабдор шахслар фаолиятига арала-
шишига йўл қўйилмаслиги Асосий қонун
даражасида мустаҳкамланмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда фу-
қаролик жамияти институтлари фаолият-
и ва вақолатларининг аниқ, кенг қам-
ролда мустаҳкамлангани жамиятимиз
учун ниҳоятда муҳим. Мазкур консти-
туциявий нормалар давлат фуқаро-
лик жамиятини ривожлантиришининг
ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада та-
қиймлаштиради.

МАҚСАД АНИҚ БЎЛСА, ДАРОМАД КАМ БЎЛМАЙДИ

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Абдураззоқ ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари
ассоциацияси бошқаруви раиси

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг сердаромад ва истиқболли тармоқларидан бири бўлган қуёнчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда зарур ҳуқуқий асослар яратилаётгани муҳим аҳамият касб этапти. Бинобарин, булар ривожланишга пойдевор, илгор ташаббусларга қанот бўлаётгани шубҳасиз.

Илгор ишланмалар, инновацион ғоялар бугунги кун талаби. Энергия-тежамкор, экологик жиҳатдан безарар, энг муҳими, юқори даромадга қаратилган бу каби замонавий ёндашувлар ҳар бир тармоқ ва соҳа учун жуда зарур. Шу боис, кейинги йилларда Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари ассоциацияси жамоаси ҳам ушбу йўналишдаги ишларга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ҳеч қандай энергия ресурслари талаб этилмайди

Ассоциациямиз ташаббуси билан яқинда Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг Қийқим маҳалласида маҳаллий ҳокимлик ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда ертўлада қуён боқиш технологиясига асосланган инновацион қуёнхона ташкил этиш лойиҳаси ана шундай эътибор самарасидир. Мазкур лойиҳага қура, қуриллаж ертўла-қуёнхона узунлиги беш, эни икки метр бўлади. Махсус тунуқлар билан ёпилиб, томинг ички томони минерал вата билан қопланади. Бу тунуқа қизиб кетишининг олдини олади. Шунингдек, ертўла ичига сув ва ем-хашак учун махсус идишлар ҳам ўрнатилди. Хашак идишининг махсус тўрдан ясалгани унинг исроф бўлишининг олдини олади.

Битта ертўла 26 бош қуёнга мўлжалланган. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қура, ушбу инновацион қуёнхонадан йил давомида 1,5-2 тоннагача гушт олиш мумкин. Мазкур қурилма барча жиҳозлари ва қуёнлар билан бирга 33 миллион сўмга тушади. Агар унда икки тонна гушт етиштирилиши, хозирги кунда бозорда тирик қуён ҳар бир килограмми 30 минг сўм эканини инобатга олсак, бу ёмон курсаткич эмас. Бошқача айтганда, мазкур инновацион қуёнхонада йил давомида 120 миллион сўмлик қуён гушти етиштирилади. Шунинг 60 миллион сўми харажатларга кетса, 60 миллион сўм оилага соф фойда сифатида қолади. Янада аниқроғи, оила ҳар ойда мана шу юмуш эвазига беш миллион сўмдан даромад қилади.

Эътиборлиси, қуён боқишининг мазкур усулида энергия ресурсларидан умуман фойдаланилмайди. Яъни бунда электр энергиясига ҳам, газга ҳам эhtiёж йўқ. Чунки ертўла қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Бу қуёнларнинг

яқши етилиши ва улғайиши учун аини муддао. Сабаби, қуёнлар табиатда ҳам ер остига ин куриб қуяди. Шу жиҳатдан олганда, буни аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини кўпайтиришда энг зарур ва керакли технологиялардан бири, десак муболаға бўлмайди.



Шу тарзда Қўшработ туманининг Қийқим маҳалласида лойиҳанинг дастлабки босқичи йўлга қўйилди. Бу бошланиши. Бинобарин, жорий йилда Самарқанд вилоятида 300 хонадонга мана шундай шaroит яратилиб, одамларнинг бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш режалаштирилган. Лойиҳани оммалаштириш мақсадида Қийқим маҳалласида укув семинари ташкил этилди. Унда ассоциациямиз мутахассислари томонидан қуёнларни ертўлада парваришлаш бўйича маълумот ва тавсиялар берилди.

Мазкур лойиҳа доирасида қуёнхоналар кредит эвазига қуриб берилади. Қуёнлар ва озуқа масаласи ҳам бизнинг зиммамизда. Аҳоли хонадонидан қунайтирилган қуёнларни ҳам ўзимиз сотиб оламиз. Шу мақсадда туманда марказлашган қуёнхона ва укув маркази ташкил этилади. Ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Айтиш жоизки, қишлоқ жойларда қуёни бундай усулда қунайтириш қийин эмас. Чунки ҳар бир хонадоннинг



дан самарали фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 8 февралдаги қарори асосида юртимизда чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур тасдиқлангани фикримиз исботидир. Зотан, мазкур дастурда чорвачилик, хусусан, қуёнчилик ривожига оид бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Утган йил маълумотларига қура, юртимизда 7 минг 600 дан зиёд қорамолчилик, 3 минг 200 дан ортиқ қўй ва эчкичилик, 140 дан кўпроқ йилкичилик, 1 минг 200 га яқин паррандачилик, 250 дан ортиқ қуёнчилик хўжаликларига мавжуд. Юқорида қайд этилган дастурга биноан, қуёнчилик тармоғи янада ривожлантирилиб, кооперация тизими асосида махсуслот ишлаб чиқариш ҳамда қунайтирилади. Қуён гуштини хонадонбай усулда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш хисобига қуён гушти истеъмоли ошириб борилади.

Қуёнчилик соҳасида қушилган қиймат занжирини яратиш учун ишлаб чиқарувчилардан қуён гушти ва терисини

уз томорқаси бор, уларда қуён учун озуқани узлари ҳам етиштириши мумкин. Бу ортиқча харажатларни камайтиради.

Бутун дунёда қуёнчилик саноатининг гушт йўналишида 95-98 фоизи Хикол қуён зотидан фойдаланади. Ушбу қуён зоти бизнинг иқлим шароитимизга ҳам мослаштирилган. Бу борада ҳеч қандай муаммо бўлиши мумкин эмас.

Қайд этганимиздек, сўнгги йилларда мамлакатимизда инновацион ёндашув асосида чорвачилик махсуслотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш хисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, бу орқали қушилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш, чорвачилик тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бунда замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқлари

Қарорлар ишимизга унум бағишлайди

Қайд этганимиздек, сўнгги йилларда мамлакатимизда инновацион ёндашув асосида чорвачилик махсуслотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш хисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, бу орқали қушилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш, чорвачилик тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бунда замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқлари

сотиб олувчи ҳамда қайта ишловчи ташкилотлар тармоғи янада кенгайтирилади. Бунинг учун эса қуён боқишини илмий асосда йўлга қўйиш орқали республика ҳудудларида қуёнчилик-насликчилик хўжаликларини ташкил этиш ва насли қуёнлар бош сонини кўпайтириш чоралари қурилади. Гушт йўналишидаги қуён зотларини маҳаллий шароитга мослаштириш ва ихтисослашган қуёнчилик-бурдоқчилик хўжаликларини ташкил этиш хисобига кооперация тизими жорий этилиб, қушилган қиймат занжирини яратиш режалаштирилган.

Авалло, бу махсуслотнинг фойдали жиҳатлари борасидаги маълумотларни тартиб қилишни кўчатириш ва аҳолининг оқват рақсонда қуён гушти улushiни кўпайтириш зарур. Бу йўналишда илм-фан ва ишлаб чиқариш тизими асосда узвий интеграцияланади, инновацион технологиялар амалиётга кенг жорий этилади. Натижанда қуён гуштини етиштириш ҳамми йиллик 100 минг тоннага, уни истеъмол қилиш ҳамми эса аҳоли жон бошига 3 килограммдан оширилади. Уй шароитида қуён боқиш ва уларни озиклантиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган услублари ишлаб чиқилиб, оммалаштирилади.

Бундан ташқари, биз етиштираётган қуён гушти махсуслотлари экспорти истиқболли хисобланади. Бугунги кунда махсуслотларимизни харид қилишга Россия, Беларусь, Литва, шунингдек, бир қатор араб давлатлари ҳам қизиқиб билдирган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 августдаги "Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига қура, 2022 йил 1 ноябрдан 10 та фаолият тури узини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари руҳиатга киритилди.

2023 йил 1 январдан узининг шахсий томорқа ер участкасида бир қатор фаолият турлари билан шугулланаётган фуқаролар томонидан йилгига БҲМнинг қамиди 1 баробари миқдоридан ижтимоий солиқ туланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига

олинмоқда ва ушбу давр улларнинг меҳнат стажига қўшилмоқда. Булар орасида қуёнчилик билан шугулланувчилар ҳам бор, албатта.

Жаҳон иқтисодиётида ўзига хос ўрни бор

Қуёнчилик жаҳон иқтисодиёти ва истеъмолида асосий уринлардан бирини эгаллайди. Жумладан, Хитойда қуён гушти жуда кам истеъмол қилинса-да, мазкур мамлакат уни етиштириш бўйича (йилгига 660 минг тонна) етакчи хисобланади. Бу борада иккинчи ўринда Италия туради — йилгига 300 минг тонна. Аҳоли бошига қуён гушти истеъмол қилиш даражаси ҳам шу давлатга тегишли (йилгига 5,5-6 килограмм). Бу курсаткич Франция, Германия ва Венгрияда 2,5-3 килограммин ташкил қилади ва мазкур мамлакатларда 65 фоиз махсуслот аҳоли хонадонларида класстер усулида тайёрланади.

Соғлом оқватланишининг замонавий тенденцияси ва Жаҳон соғлиғи сақлаш ташкилотининг парhez гушт истеъмол қилиш меъёри хусусидаги тавсиясини инобатга олсак, инсон йил давомида истеъмол қиладиган гушт махсуслотларининг 5 фоизи (Европа давлатларида 4,5, бизда эса 3 килограмм) қуён гушти бўлиши керак.

Қуёнчилик бўйича жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу сектор қишлоқ хўжалигининг самарали тармоқларидан бири бўлиб, уни ривожлантиришнинг асосий омилли шахсий томорқа хўжаликлари саналади. Қуёнчилик равнақи нафақат бозорда истиқболли талабни шакллантиришдаги имкониятлари, балки унинг биологик хусусиятлари туфайли ҳам юқори сарфдор эга. Яъни уй ҳайвонлари орасида энг тез етилдигани шу жонзот.

Туйимлиги бўйича қуён гуштининг 1 килограмми энг яқши мол гуштининг 1,45 килограммига тенг. Қўлаверса, унинг гушти холестерини камлиги бўйича қўй, мол ва бошқа жониворларникидан фарқ қилади. Таркибиди оқсилнинг 90 фоизи инсон организми томонидан тўлиқ ўзлаштирилади.

Бундан ташқари, қуён гуштида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган лецитин каби модда мавжуд. У, шунингдек, минерал тузларга, кальций ва фосфорга бой. Бундай ижобий жиҳатлари туфайли қуён гушти жасал, меъда, юрак-қон томир тизими касалликлари, қандли диабетта чапинган, аллергияси бор инсонларга тавсия этилади.

Қўлаверса, ундан табиий ва қимматбаҳо мўйна олинади. Қуён териси чарм-галантерея махсуслотлари ва пойабзал ишлаб чиқаришда ҳам сифати хомашё хисобланади. Бир килограмм қуён мومидан 2000 метр сифати ип олиш мумкин. Қўсқаси, ушбу узунқулок жониворнинг фойдали жиҳатлари бисёр. Шундай экан, мазкур тармоқни ривожлантириш ва бу турдаги гушт истеъмолини кўпайтириш аини муддаодир. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЗАМОНАВИЙ ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ КУНИГА 1 МИНГ 100 КИЛОГРАММ КЎМИРНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ



Ҳожикўзижон ИСАҚОВ,
Фарғона вилояти
ҳокими ўринбосари

"Қиш ғамини ёзда кўр", деб бежиз айтишмайди. Зеро, унинг замирида қишли-қировли кунларга эрта хозирлик кўриш, ўтган ишларни сарҳисоб қилиш, камчиликлардан тўғри ҳулоса чиқариш ва келгусидаги вазифалар кўламини белгилаб олишдек эзгу мақсад мужассам.

жалб этиш, янги тажриба, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, кўмир ишлаб чиқариш ҳамми ва сифатини ошириш сингари долзарб масалалар юзасидан зарур курсатмалар берди.

Дарҳақиқат, ўтган қиш мавсумида юзага келган аномал совуқ табиий газ, электр энергияси, кўмир таъминоти, иссиқлик қозонхоналари билан боғлиқ кўлаб муаммо ва камчиликлар борлигини юзага чиқарди. Бу масъуллардан куз-қиш мавсумига хар қачонгидан кўра эрта ва пухта тайёргарлик кўришни талаб қилмоқда.

Фарғона вилоятида 2 минг 309 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик таъминоти тизимларини хусусий сектор



иштирокида модернизация қилиш ва бошқариш тизимига ўтказиш борасида лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, давлат хусусий шерикчилик асосида иш олиб бориш истагида бўлган тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қура, иссиқлик тизимларини хатловдан ўтказиш натижасида аниқланган муам

сўмлик 24,4 миллион метр куб табиий газ сарфланиди, 77,7 минг тонна маҳаллий кўмир етказиб берилди.

Жорий йилда амалий ишлар салмоғини янада ошириш чоралари қурилмоқда. Хусусан, 2023-2024 йил куз-қиш мавсуми учун 39,5 миллиард сўм бюджет маблағи ҳисобига 94,4 минг тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган.

Кейинги йилларда соҳа ривожини йўлга солишда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эътибор ошди. Авваллари мавжуд иситиш тизимлари 2-3 йилда яроқсиз бўлиб, белгиланган меъёрга иссиқлик бера олмасди. Сўнгги беш йилда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2 минг 261 та иситиш қозонини тежамкор ва самарали ишлаш тизимига ўтказиш учун 27,1 миллиард сўм йўналтирилди. Албатта, тизим фаолиятини янада яқшиллаш, сифатини ошириш борасида қилишимиз керак бўлган ишлар хали қуп ва бу борада катта лойиҳалар ишлаб чиқилипти.

Президентимиз мазкур йўналишда хорижий инвесторлар иштирокида энергиятежамкор иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, истеъмолчиларга сифатли иссиқлик етказиб бериш бўйича топшириқлар берилди.

Аини кунда польшалик ҳамкорлар билан янги русумдаги "Алтер" қозонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Махсуслотлар иқтисодий тежамкор, узоқ муддат ишлаш хусусияти билан ажралиб туради. Янги махсуслот ўтган қиш мавсумида ўз самарасини кўрсатди. Ёқилётган кўмир сарфи уч хисса камайди, иситиш даражаси 2,5 баробар ошди. Бу йилгига 20 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини иқтисод қилиш имкониятини беради. Яна бир жиҳати, кўмирни чиққидиға чиқармайди,

хавога зарарли ташламалар кўтарилишини кескин камайтиради.

Езёвон тумани марказий шифохонасидаги эски русумли иситиш қозонини кунгига 1 минг 600 килограмм кўмир ёқилгиси сарфлаган. Бу ерда тежамкор "Алтер" қозонлари ўрнатилган, кунлик сарф 500 килограммин ташкил қилди. Демак, бир кунда 1 минг 100 килограмм кўмирни иқтисод қилиш имкони яратилди. Бу миқдор бутун куз-қиш мавсумига боғлаб ҳисоб-китоб қилинса, умумий ҳисобда 121 тонна кўмир ёқи 50,5 миллион сўм тежаб қолинди, дегани.

Бугунги кунда бу тажрибани вилоятимиздаги барча иситиш тизимларида оммалаштириш, уларни замонавий энергиятежамкор, иссиқлик меъёри юқори бўлган автоматлаштирилган қозонларда ишлаш тизимига ўтказиш билан боғлиқ амалий ишлар олиб борилапти. Жорий йил 1 июнига қадар барча ижтимоий соҳа объектлари янги тизим асосида ишлашга ўтказилади.

Шунингдек, бу йўналишларга давлат хусусий-шерикчилик асосида ишлаш истагини билдирган 62 тадбиркордан келиб тушган таклифлар қўллаб-қувватланиб, уларга хуқуқий ва молиявий ёрдам курсатилмоқда. Ҳозир Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Фўрқат ва Езёвон туманларидаги ижтимоий соҳа объектлари иситиш тармоқлари тажриба тариқасида давлат-хусусий шерикчилик асосида ишлашга тайёр ҳолатга келтирилди.

Шу билан бирга, жорий йилда вилоят аҳолиси ва ижтимоий соҳа объектларининг кўмирга бўлган 1133,8 минг тонна талабини қондириш, Водил қишлоғида янги кўмир қонини ўзлаштириш бўйича зарурий чоралар қурилмоқда. Асосий мақсад — қуз-қиш мавсумида аҳоли хонадонлари ва барча ижтимоий соҳа муассасаларини сифатли иссиқлик билан таъминлаш.

МУНОСАБАТ

БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР КЛАСТЕРИ

Халқимизга ва илм-фанга нима беради?



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири, академик

Бошланғичи 1-бегда

Ҳозир юртимизда генларни тулиқ таҳлил қила оладиган, геномларни ўқийдиган марказлар фаолият юратяпти. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олимларимизнинг янги фан йўналишлари ва тадқиқотлар билан шуғулланишлари кенг йўл очиб берилди. Илғор фан ютуқларига асосланган билим платформалари яратилди. Шу билан бирга, ёш олимларимизнинг хорижда таълим олиб, малака ошириши, илгор билимларни юртимизда жорий қилиши таъминланди. Хусусан, Президентимизнинг амалий қўмағи ва тавсияси асосида барпо этилган Геномика ва биоинформатика маркази ушбу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

2018 йилда Тошкент фармацевтика институтининг биотехнология кафедраси очилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 25 ноябрдаги "Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур соҳанинг жадал ривожланишини белгилаб берди. Энди эса бу жараён янада юқори босқичга кўтарилади. Марказий Осиёда ягона биотехнологиялар соҳасидаги янги платформа — хаб барпо этилади. Замонавий тилда "хаб" ижтимоий-иқтисодий фаолиятини йўлга қўйиши учун тадбиркорларга йўл-йўриқ кўрсатиш, комплекс ривожланишини таъминлаш ҳамда уларни атрофлича қўллаб-қувватлаш мақсадида барпо этилган ўзига хос марказ, фаолият майдони, деб тақдим қилинади.

Айни пайтда биотехнологиялар замонавий ва сердаромад соҳа бўлиб, 2022 йилда унинг дунё бозоридagi хизматлар қиймати 859,94 миллиард АҚШ доллари баҳоланди. 2030 йилга бориб бу курсаткич 1,7 триллион долларга етиши кўтилмоқда. Яъни 2023 йилдан 2030 йилгача ҳар йили ўртача 8,7 фоиз ўсади, биотехнология АКТ соҳасидан кейин дунёдаги энг тез тараққий этаётган соҳага айланади. Қолаверса, жаҳон фармацевтика босқич-ма-босқич кимёвий препаратлардан воз кечи- биотерапевтик дори-дармонларга ўтаяпти. Бугун уларнинг нархи анча юқори, лекин самарали ҳамда аънанавий дори-дармон кура хавфсиз. Бундан ташқари, янги дори-дармон ва усуллар авваллари даволаб бўлмайдиган касалликларни даволаш имкониятини берапти.

Ўзбекистон — Хитой биотехнологиялар кластерининг айнаси Хитой билан ҳамкорликда барпо этилиши тасодиф эмас. Бу мамлакат биотехнология соҳаси ривож бўлишига сунгги беш йилда АҚШдан кейин дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Унинг биотехнология бозоридagi хизматлар қиймати 2025 йилда 36 миллиард АҚШ доллари етиши тахмин қилинмоқда.

Шу йилнинг март ойи охири — апрелнинг бошида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги делегациясининг Хитой Халқ Республикасига хизмат сафари доирасида хитойлик ҳамкорларимиз билан "Ўзбекистон — Хитой биотех кластер" ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Бу бир неча йиллик сермахсул мулоқотимизнинг янада ривожланишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг ташки сийосатидagi ўзига хос ёндашуви ҳамда икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янги босқичга олиб чиққани натижасида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигида яратилган вакциналар коронавирус пандемияси даврида юртимиз аҳолисини бу мудҳиш офатдан ҳимоялаш, жамоавий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилганини таъкидлаш уринли. Қолаверса, бу орқали юртимиз илм-фани соҳада катта тажрибага эга бўлди. Ўзбекистонда қўлланган вакциналарнинг 66,6 фоизи ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси экани фирмимизни тасдиқлайди.

Сирдарёда ташкил этиладиган Ўзбекистон — Хитой биотехнологиялар кластери биотехнологиялар соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни жадаллаштириш, инновацион лойиҳалар трансферини амалга ошириш, хизматлар

кўрсатадиган компанияларни ташкил этишга қаратилган. У нафақат Марказий Осиё, балки МДХ ва Кавказолди давлатлари учун ягона хаб бўлиб хизмат қилади. Мана шу кластерни Сирдарёда ташкил қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. У 150 гектар майдонни қамраб олиши кўзда тутилган.

Шу ўринда нима учун бу катта платформа Сирдарёда ташкил этилмоқда, деган ўринли савол пайдо бўлиши табиий. Гап шундаки, сунгги йилларда академик мустақиллик берилиши натижасида Гулистон давлат университети аввалги Инновацион ривожланиш вазирлиги иштирокида жадал ривожланди. Хусусан, у ерда биологлар мактаби пайдо бўлди. Биотехнология соҳасининг турпи йўналишларида фаолият юритиш салоҳиятига эга жамоа шаклланди. Бунинг самараси ўлароқ, Сирдарё вилояти инновацион ҳудудига ташкил этиладиган биотехнологиялар кластери соҳадаги барча инновацион жараёнларнинг "эпимаркази"га айланади. Инновацияларга эҳтиёж пайдо бўлганида бошқа ҳудудларга ҳам янги инновацион ечимларни тақдим қиладиган марказ вазифасини ўтайди.

Кластер соҳага миллий кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот билан шуғулланишга мўлжалланган Ўзбек-Сино биотехнология университети (Uzbek-Sino Biotechnology University), касалликларни даволашда энг сунгги диагностика даволаш усуллари қўлланадиган Инновацион тиббиёт клиникаси, Марказий Осиё аҳолиси, ҳудуддаги ҳайвонлар ва ўсимликлар геномини ўрганишга ихтисослашган Марказий Осиё геном маркази, биоматериаллар ва генетик маълумотларни сақловчи Генбанк ва дата маркази, усимта ва саратон касалликларини даволовчи Хужайра терапияси марказини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, ҳудудда лабораториялар учун диагностика ускуналари ва махсус тул- ламларини ишлаб чиқарувчи корхона, инно-

ҳудудда биофармацевтика, қурилиш мате- риаллари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, элек- тротехника, тиббиёт, таълим соҳаларининг 20 йўналишидаги лойиҳаларга жорий қилинади- ган алоҳида имтиёзлар эса мазкур янгила- нишларнинг тезлашуви, одамларни руҳлан- тиришга хизмат қилади.

Вилоятнинг 11 тумани ва шаҳри Хитой мо- дели асосида саноатга ихтисослаштирилади. Уларнинг ҳар бирида инновацион технопарк- лар ташкил қилинади. Электротехника, био- фармацевтика, кимё, қурилиш материалла- ри, ипак ва озиқ-овқат саноатида инновацион лойиҳалар амалга оширилади. Ҳудудга эркин иқтисодий зона мақоми берилади ва "божхона ҳудудига қайта ишлаш" режимининг содда- лашган тизими жорий қилинади. Ишлаб чиқа- риш бинолари намунавий лойиҳалар асосида қурилиб, тадбиркорларга "саноат ипотекаси" орқали тайёр ҳолда берилади. Жорий йилнинг ўзигаёқ технопарк инфрақурилишига 200 миллиард сўм маблағ ажратилади. Қолавер- са, инвестиция лойиҳаларини молиялашти- риш учун Сирдарёда Ўзбекистон — Хитой ин- вестиция жамғармаси ташкил этилиши ва унга 1 миллиард доллар сармоа олиб келиниши жараёни тезлаштириш ва сифатли маҳсулот чиқара бошланиши таъминлаш учун "тоза қон", яъни акцелерация вазифасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоят- га ташриф мубоинида илгари сурилган муҳим беш ташаббус алоҳида эътиборга молик. Улар доирасида вилоятда энг илгор агротех- нологиялар жорий қилинади. Ирригация ва мелиорация тизимини модернизация қилишга хитойлик инвесторлар жалб қилинади. Хитой таълим босқичи ёрдамида қорамол ва парранда- чилик экомлекслари ташкил қилинади. Шўр ва сувсизликка чидамли маккажўхори, сорго, беда каби озуқага бой экинлар эки- лади. Интенсив азор, қовун, пекан ёнғоги ва балиқчилик плантациялари ташкил қилина-



вацион вакциналар ишлаб чиқарувчи марказ барпо этилади. Алоҳида корхоналарда при- биотик биопрепаратлар, моноклонал антитан- началар ва бошқа рекомбинант препаратлар ишлаб чиқарилади. Янги тутилган чақалоқ- лар ва ҳомилалар аёллардаги генетик муам- моларни аниқлаш учун диагностика маркази ташкил этилади. Шунингдек, 10 минг талаба учун ўқув бинолари, замонавий кампус, ла- бораториялар, муҳандислар мактаби очилади.

Янги биотехнологик хаб бўнад этилиши олимларимиз орзу қилиб келган қўллаб ил- гор йўналишларга ҳам кенг йўл очиб беради. Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг геноми таърифланади. Рақамли форматда ноёб генетик коллекциялар яратилади. Генетик нуқсони ва касалликларни бўлган болаларнинг туғилиш даражасини пасайтиришга эришилади. Онко- логик касалликларни хужайра ва иммуноте- рапия орқали мулкано янги усулда даволаш йўлга қўйилади. Қаришга қарши курашиш, инсон ҳаётини узайтириш масалалари тадқиқ этилиб, натижалари амалиётга жорий этилади. Фармацевтика соҳасида биоорганизмлар- нинг ҳимоя тизимини ўрганиш натижаларига кўра ихтиро қилинган хавфсиз ва самарадор дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Мазкур кластерда яратилган шу сингари янги биотех- нологик маҳсулотлар илк босқичда Марказий Осиё ва Кавказолди мамлакатларига экспорт қилинади. Шу билан бирга, ривожланган мам- лакатлар билан билим ва технология транс- фери яқин ва узоқ хорижда маҳсулотларимиз- ни экспорт қилиш имконини беради.

Биокластер барпо қилиниши Сирдарёдаги муҳим янгилашларнинг бир қисми, албатта. Ушбу ҳудуд тарихида биринчи марта шундай улкан бунёдкорлик ишларига старт берилгани барча учун қувонарли. Илгор инновациялар

ди. Мева-сабзавотни сақлаш, қайта ишлаш ва қадқоқлаш технопарки барпо этилади. Шўр ва сувсизликка чидамли экин турлари, чорва- чилик наслларини яратиш бўйича Хитойнинг етакчи олийгоҳлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Уларнинг филиаллари ташкил қилиниб, қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрланади ҳамда ерни ўзлаштириш, чулпан- ни, ирригация ва экология йўналишида ил- мий тадқиқотлар олиб борилади.

Президентимизнинг туртинчи ташаббуси- да Сирдарёнинг мамлакатимизни Қозғистон, Тожикистон, Хитой ва Афғонистон билан боғлайдиган йирик логистика хабиға айлан- тириш кўзда тутилган. Бу жараёнда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда юртимиз- нинг шарқий ва марказий қисмларини ҳам- да чет эл йўналишларига боғлайдиган янги транспорт маршрутлари ва мультимодал логистика маркази қурилади. Бундан таш- қари, йўлларни қуриш, таъмирлаш ва бош- қаришга хусусий секторни жалб қилиш ҳам шу вилоятдан бошланади. Бу ташаббуснинг моҳияти шундан иборатки, аввал Сирдарёда, сўнг мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида замонавий йўлларни лойиҳалаш, янги техно- логиялар асосида қуриш ва хизмат кўрсатиш бўйича хусусий сектор пайдо бўлиб, ривож- ланади. Бу борада тадбиркорлар савъ-ха- ракати билан янги мутахассислар етишиб чиқади. Йўл қурилиши билан бирга, унинг инфрақурилишини яратиш борасида қўллаб иш- урларини барпо қилинади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ушбу хайрли ташаббуслар Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган эзгу мақсад ва юксак манзилларга эришиш йўлидаги савъ- ҳаракатларнинг ёрқин ва амалий ифодасидир.

yuz_official

yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ИЛГОР ТАШАББУС ВА ҒОЯЛАР РЎЁБГА ЧИҚАДИГАН ҲУДУД



Бошланғичи 1-бегда

Президентимизнинг тегишли қарори билан 2021 йил 1 июлдан Сирдарёда солиқни сақ- лаш тизимини ташкил этишининг янги модели ва давлат тиббий сўғуртаси механизми билан боғлиқ тажриба-синув ишлари бошланган эди. Утган вақт мобайнида ушбу янги тизим самара бериши тасдиғини топди. Хусусан, дав- лат тиббий сўғуртаси ёрдами билан имтиёзли тоифага кирувчи фуқароларда турли касаллик- лар бўйича юқори технологик жарроҳлик ам- алиётлари мубаффақиятли бажариб келинди ва бу жараён давом этмоқда.

Энг муҳими, давлат тиббий сўғуртаси тизи- ми жорий этилиши натижасида ижтимоий аҳ- воли оғир, имконияти йўқ фуқаролар жамғарма ёрдами билан оғир асоратли, салмоқли маблағ талаб этувчи касалликлардан юқори техноло- гик жарроҳлик амалиёти ёрдамида тез, осон ва чиқимсиз фориг бўлмоқда. Бу "Инсон қадри учун" тамойилига тула мос келади. Кейинчалик Гулистон тиббиёт кластерининг ташкил этил- гани давлат тиббий сўғуртаси тизимини жорий этиш учун тулақоли замин ҳозирлади.

Президентимиз ана шу эзгу ташаббусни кенгайтириш мақсадида Гулистон шаҳрини мамлакатимизнинг "Инновацион медицина ха- би"га айлантириш тақлифини илгари сурди.

— Давлатимиз раҳбари билдирган фикр- мулоҳазалар вилоятнинг тиббий салоҳиятини ошириш, солиқни сақлаш тизимини юқорига кўтариш, сифатли тиббий хизматни янада ривожлантириши назарда тутилмоқда, — дейди Сирдарё вилояти солиқни сақлаш бошқарма- си бошлиғи Хуршид Ҳақимов. — Вилоятимизда тиббий туризм хабини ташкил этишга кўрсат- ма берилгани Тожикистон ва Қозғистондан келаётган беморларни бемапол қабул қили- шимиз, юқори сифатли тиббий хизмат курсати- шимиз учун катта имкониятдир. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда клиника ташкил этилиши ҳам аҳоли саломатлиғи хамиса эъти- борда эканидан далолат беради. Сирдарёда ҳозир бундай клиника йўқ. Агар шундай ши- фохона ташкил қилсақ, тиббиётимиз сифати- ни янада оширишга хизмат қилади. Қола- верса, тиббиёт туризмнинг ривожланишида ҳам аҳамият касб этади. Соҳага инновацион ечимларни таъбиқ этиш имкониятини кенгайти- ради. Юқори технологияли операциялар, диа- гностикаларни шу ернинг ўзига жорий қилсақ, бу Сирдарё тиббиёти ривожига ҳисса бўлиб қўшилади.

Сирдарё пойтахтимизга яқин жойлашган. Шунингдек, у икки қўшни давлат — Қозғистон ва Тожикистон билан қўлай транспорт ко- ридорига эга. Қолаверса, мамлакатимизнинг қўпгина вилоятларига олиб борадиган йўл Сирдарёдан ўтади. Шу боис, Гулистон тиббиёт кластери жаҳон андозаларига мос тиббий мар- казга айланиши кўтилмоқда.

— Вилоятнинг тиббиёт хабиға айлан- тирилиши халқимиз учун катта имкониятларга эшик очади, — дейди Гулистон тиббиёт эва- ло- пир директори Шухрат Хусанов. — Авва- ло, аҳолининг "бир том остида" барча зарур муолажа ва маслаҳатларни олиб, вақти ҳам, маблағи ҳам тежаллади. Шунинг баробари- да вилоятда тиббиёт туризми ривожланади. Зиммамизга юклатилган барча вазифани сид- қидилдан бажарсақ, вилоятимизда дунё стан- дартларига бўйлашадиган тиббиёт маркази яратилади. Бу нафақат юрдошларимизга, балки қўшни давлатлар фуқароларига ҳам сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

Бугун Гулистон тиббиёт кластерининг мо- дий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифо- хоналарни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш борасида эътиборга молик ишлар бажарилимоқда. Жумладан, юқори технология- ли операцияларни ўтказишга мўлжалланган аппаратуралар, яъни анализатор, рақамли рентген, камерали микроскоп, видео эндоскоп каби тиббий ускуналар кептирилган. Давлати- миз раҳбарининг ташрифидан сўнг бу хайрли ишлар шиддат билан давом этади. Зеро, ин- сон саломатлиғи — олий нёмат. Соғлом ин- сон эса ҳар қандай жамиятнинг бебаҳо бойли- гидир. Уни асраб-авайлаш, инсонни қадрлаш мамлакатимиз сийосатининг устувор йўналиши саналади.

Ижод мактабининг ойдин йўли

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига дадил ин- теграциялашяпти. Ривожланган давлатлар билан қўллаб-қувватлаш тенг ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳаётнинг барча жабҳасида илгор тараққиёт йўлидан жадал бормоқда. Жумладан, таълим соҳасида ҳам эътироз эъса арзғулик натижаларга эришиляпти. Президентимиз таъ- бири билан айтганда, Янги Ўзбекистонини илгор замонавий билимга эга, келажакка дадил ки- риладиган, ватанпарвар ёшлар билангина ин- тириш мумкин. Ана шундай йигит-қизларни тар- биалаш учун бугун мамлакатимизда илм-фан, маърифатга катта эътибор қаратилмоқда.

Ана шу эзгу мақсад йўлида мамлаката- мида адабиёт ва бадий ижод йўналиши- да бир қанча мактаблар очилди. Исҳоқон Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Абдулла Қодирий, Ҳалима Худойбердиева номидagi хорижий тилпарни ўргатишга ҳамда ана тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интер- натларнинг ташкил этилгани истеъдодли бо- лаларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини тўғри йўналтириш ва ривожлантиришдек эзгу мақ- садни ўзига мўжасам этди.

Президентимиз Сирдарё вилоятига ташри- фи чоғида Гулистон шаҳридаги ижод мактаби- ни бориб кўрди. Ҳалима Худойбердиева хайка- ли пойига гул қўйди ва шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган мўжаз музейни қўздан кечирди. Уқувчилар халқимизнинг сукути ижодкорни шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Ижод мактабида умумтаълим фанлари билан бирга, ана тили ва адабиёт чуқур ўргати- лади. Айни пайтда 7-11-синфларда 180 нафар иқтидорли уғил-қиз таълим олмақда. Синфлар, компьютер хоналари, лаборатория, спорт зали ва ётоқхона замонавий жиҳозланган. Мактаб кутубхонасида 3 минг 500 дан ортиқ бадий адабиёт жамланган.

— Президентимизнинг мактабимизга таш- рифи барчамизда чексиз ғурур-ифтихор уйғот- ди, — дейди ижод мактаби директори Покиза Аҳмеджонова. — Бу, албатта, мактабимизга, ўқувчиларимизга эътибор, меҳр, болаларимиз- нинг келажакка масъулиядан далолатдир. Уқувчиларимиз — ижодкор болалар. Шеърят- га, адабиётга ошно. Бугун олдимизда улар етарли таълим олаптими, эртага олий ўқув юр- тига киришга билими етадими, деган саволлар турибди. Чунки бу йил илк битирувчиларимиз мустақил ҳаётга қадам қўйди. Синовли йил бу- сағасидими. Ишимиз яхши натижа берса, ота- оналар бераётган таълимимизга, мактабимиз салоҳиятига ишонди. Бу жараёнда она тили ва адабиётга меҳрли ёки тугма иқтидорли бо- лаларимизнинг бирортасини назардан четда қолдирмаслигимиз, уларни излаб топиш ва мактабимизга жалб этишимиз лозим. Шу бо- лаларга пухта таълим-тарбия берадиган ўқи- тувчилар сафини янада кенгайтириш ҳам дол- зарба масала. Бизга бу жараёнда катта ёрдамчи сифатида олий таълим муассасалари бирик- тирилди. Мактабимизга Ўзбекистон давлат жа- хон тилпарни ҳамда Алишер Навоий номидagi Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти уни- верситетларининг бириктирилгани салоҳиятли ўқитувчиларни жалб этиш имкониятини беради.

Дарҳақиқат, ижод мактабларини универ- ситетларга бириктириш, вилоятдаги мактаблар билан алоқасини мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшлар китобларини чоп эттириш бўйича кўрсат- малар берилгани турли ҳудудларда исти- қомат қиладиган ўқувчилар орасидан бадий адабиёт ва ижоднинг бошқа турларига қизиқа- диганларни аниқлаш, адабиётни теран ҳис қи- ладиган болалар истеъдодини рўёбга чиқариш сари дадил қадам бўлди.

Яхши ният, катта орзу-умидлар билан бош- ланган ҳар қандай хайрли иш, албатта, вақт ўтши билан мевасини беради. Мазкур таълим масканида сўз санъатини севган истеъдодли эг- лари, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшадиган билимли, салоҳиятли кадрлар, буюк ёзувчи ва шoirлар, сўз санъати ижодкорлари етишиб чи- қиши шубҳасиз.

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



БУЮК ФАҚИҲ Бурҳониддин Марғиноний ким бўлган?

**Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор**

Буюк шахслар ҳақида тарихий далиллар билан бирга, халқ орасида турли ривоят ва афсоналар ҳам юради. Уларнинг қанчалик кўплиги ўша инсоннинг шунчалик машҳурлигидан дарак беради. Аслида, бу каби ривоятлар, афсоналар замирида ўзига хос тарихий ҳақиқат ҳам бўлади.

МОЗИЙГА НАЗАР



Бурҳониддин Марғиноний номи билан шуҳрат қозонган Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний ана шундай — фақиҳлар томонидан эътироф этилган, халқ орасида машҳур олимлардандир. Унинг насаби машҳур саҳоба Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)га бориб тақалади. Юридик фанлар доктори А.Жузжоний ва юридик фанлар номзоди Ж.Юсупова "Бурҳониддин Марғиноний — буюк фақиҳ" асарида буни Абдулхай Лакнавий таъкидлаганини айтган. Аллома насабининг Абу Бакр Сиддиққа бориб уланishi ҳақидаги муҳим маълумотлар Абдулхай ибн Абдулфатҳ ал-Хусайний қаламига мансуб "Насабномаи Хожа Убайдуллох Ахрор" ("Хожа Убайдуллох Ахрор насабномаси") асарида ҳам қайд этиб ўтилган.

Самарқанд шаҳрида таҳсилни давом эттириди. Бу ерда у кўплаб олимлар билан учрашди, илмий мунозараларда қатнашди.

Бурҳониддин Марғиноний "Нашр ал-мазҳаб" ("Маънабининг тарқалиши"), "Китоб-ат-тажнис ва-л-мазид" ("Фуқаролик ҳуқуқини тақдим этиш"), "Китоб ул-фариоз" ("Мерос ҳақида китоб"), "Мазид фи фуруъ ал-ханафий" ("Ханафий маъзабига қўшимчалар") китобларида

ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчилик тури, шакллари (давлат ва хусусий мулкчилик), молиявий фаолият, жиноят ва жазонинг ҳуқуқий асослари, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, қозилик муассасалари таркиби, тартиби ва жиноят ишлари кўриш масалаларини батафсил ёритиб берди.

Замондодан аилломага юксак эҳтиром билан "Бурҳониддин вал милла" — "Дин ва миллатнинг ҳужжати"

нисбасини берган. Таъкидлаш жоизки, тарихда камдан-кам кишиларга бундай унвон берилган.

Жалолиддин Сулейтӣ "Ал-итқон фи улум ал-қуръон" асарида Бурҳониддин Марғинонийнинг Қуръон илмида ҳам моҳирлигини айтиб ўтган.

Буюк тарихчи Шамсиддин Заҳабий алломани "Шайх ул-ханафийя" — "Ханафийлар шайхи" деб атаган ва бу билан у зотнинг ханафий алломалар уртасидаги мартабасига ишора қилган. Хайриддин Зириқлий эса алломани "ҳофиз, муфассир, муҳаққиқ адиб", деб таъриф қилган.

Улуғ фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний ҳақида Абдулхай Лакнавий "Ал-Фойя ул-мунтаҳий" ("Яқунловчиларни қонқилруви китоб") деб атади. Лекин муаллиф бу билан ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмасди, негаки, саккиз жилдлик катта хажмии шарҳни ўқиб, унинг ичидан керакли масалаларни топиш, шундай катта китобни олиб юриш илм толиблари учун қийинчилик туғдирарди. Натихида муаллиф ўз нияти ва дўстлари маслаҳатига биноан, "Бидоят ул-мубтадий"ни қайтадан уртача андозада шарҳлашга киришади.

Фихрий-ҳуқуқий асарларнинг барчаси ўз даврида талабалар учун ўқув қўланма сифатида хизмат қилган. Аммо Бурҳониддин Марғинонийнинг Шарқ Уйғониш давридаги энг катта хизмати "Ҳидоя" бўлиб, у даврнинг энг мураккаб ҳуқуқий масалаларини тартибга солиб берган асар эди.

Бурҳониддин Марғиноний ушбу асарни 1165-1178 йиллар оралиғида — 13 йил давомида ёзиб турган. Асар ихчамлиги, мукамаллиги, ханафий маъзабини бошқа суннийлик маъзаблари билан қиёсий услубда урганлиб, ҳар томонлама ёритгани учун ўзига хос катта назарий ва амалий аҳамият касб этганини уламолар таъкидлаган.

Маълумотларга қўра, муаллиф аввалига "Бидоят ул-мубтадий" номи катта асар ёзади. Уни Абул Ҳасан ибн

Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурийнинг "Ал-Мухтасар" (илм аҳли орасида "Ал-Қудурий" номи билан шуҳрат қозонган) китоби ва Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг "Ал-Жомеъ ас-сағир" асарида асосланиб, қисқартирилган фихр китоби сифатида ёзиб, ундаги масалаларни тартибга солишда табарруқ бўлсин деб, Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний услубидан фойдаланган эди.

Бурҳониддин Марғиноний "Бидоят ул-мубтадий" муқаддимасида бундай деб ёзади: "Ешлик чоғларимда фихр илмининг барча турларини ўз ичига қамраб олган хажми кичик, фойдаси кенг бир китоб бўлса, деб уйлаб юраддим. Иттифоқан, сафар жараёнида Ал-Қудурий қаламига мансуб "Ал-мухтасар"ни энг гузал, мўъжаз (қисқа), ажойиб китоб, деб топдим. Ушунда замоннинг барча буюк олимлари катта-кичикни "Ал-Жомеъ ас-сағир" китобини урганишга чорлар эдилар. Ушунда ҳар иккала асарни бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилдим ва зарурат бўлмаса, у икки китоб чегарасидан чиқмасликка қарор қилдим ва уни "Бидоят ул-мубтадий" ("Бошловчининг бошланғич китоби") деб атадим. Агар бу асарни шарҳлашга эришсам, уни "Кифоят ул-мунтаҳий" деб атаган бўлар эдим".

Аллома мазкур ниятига эришиб, унга 8 жилдлик катта шарҳ ёзиб, "Кифоят ул-мунтаҳий" ("Яқунловчиларни қонқилруви китоб") деб атади. Лекин муаллиф бу билан ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмасди, негаки, саккиз жилдлик катта хажмии шарҳни ўқиб, унинг ичидан керакли масалаларни топиш, шундай катта китобни олиб юриш илм толиблари учун қийинчилик туғдирарди. Натихида муаллиф ўз нияти ва дўстлари маслаҳатига биноан, "Бидоят ул-мубтадий"ни қайтадан уртача андозада шарҳлашга киришади.

573 ҳижрий, зулқайда ойининг чоршанба куни бошланган ушбу асарни ёзиш учун ун уч йил вақт кетди. Абдулхай Лакнавийнинг айтишича, бу асарни аллома муттасил рўзадорлик билан ёзган. Овқат олиб келган ходими жунатиб, таомни шогирдларидан бири ёки бошқа бирор кишига едириб, бу идишни қолдирар экан. Ходим таомни устознинг ўзи егандир, деб уйлаб, идишни олиб кетар экан.

Бу ҳақда шайх Акмалиддин ҳам таълиб, "Аллома "Ҳидоя" асарини ёзиш муддати — ун уч йил давомида рўзадор бўлган. Бу давр ичидан бирор марта ҳам оғзини очмаган. Тақво ва парҳезларнинг баракотидан китоб уламолар уртасида мабул бўлган", деб айтган эди.

Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари тўққиз асрдан буён ханафий маъзаби бўйича энг муҳим ва муътабар қўланма сифатида барча муслмон мамлакатлари мадрасалари ва ислом олий ўқув юртиларида ўқитилмоқда. Унинг матни ва қисқартмалари устидан машҳур фақиҳлар томонидан 60 дан ортиқ шарҳ ва хошия ёзилган ҳамда "Ҳидоя" ханафий маъзабининг тарқалиши йўлида таъсирчан омил сифатида хизмат қилиб келган.

Бурҳониддин Марғиноний "Ҳидоя" асарини ёзиш билан ханафий фихрий тараққиётига беқиёс ҳисса қўшди. Бу китобнинг ёзилиши Бурҳониддин Марғиноний нафақат фихрий яхши биладиган, балки унинг кенг илм соҳаларини қамраб олган қомусий олим эканидан дарақдир. Чунки у мазкур асарида муслмон оламида машҳур олимлар, хусусан, ханафий ва минтақада фаолият юритган фақиҳлар чикарган фатволарни қиёсий урганиб, улардан ҳақиқатга яқинроқ ва амалда қўлланадиганларини ажратиб курсатиб берган.

ТУРИЗМ

**Анвар ИКРОМ,
Ахсиент археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси директори**

Наманган вилоятининг Турақўрган туманида жойлашган Ахсиент археология мероси объекти асосида Ахсиент туризм кластерини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Шу мақсадда охириги бир hafta мобайнида маҳаллий ва хорижий экспертлар билан тегишли ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда.

Бундан тўрт йил аввал давлатимиз раҳбарининг Ахсиент ёдгорлигига ташрифидан сўнг мазкур объектни туризм марказига айлантириш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошланганди. Ушунда туризм эксперти Темур Мирзаев, таъқил ресторатор Баҳриддин Чустий иштирокида махсус концепция яратишга киришилганди.



Урганишлар натижасида Ахсиент нафақат тарихий обида, балки ўзида 15 хил туризм маҳсулотини тақлиф этишнинг марказ даражасидаги имкониятга эга экани маълум бўлди. Бу ерда тарихий севадиганлар учун археологик топилмалар, очик осмон остидаги музейлар маж-

муаси, Сирдарё балиқлари ресторанлар тармоғи, водий ноёб қўлэмалар кутубхонаси, зиёрат туризми объекти, Чуст пичоғи ва қиличлари устaxonалари, Қўқон ипак қўғози маркази, Акси куллолик устaxonалари, этномода маркази, камонбозлик, чавадозлик ва бошқа миллий ўйинларни қамровчи этносспорт марказларини йўлга қўйиш шулар жумласидан.

Замонавий сайёҳларнинг барчаси смартфондан фойдаланишини ҳисобга олиб, Инновация, фан ва олий таълим ҳамда Рақамли технологияларни ривожлантириш вазирликлари билан ҳамкорликда туризм мобил иловалари яратилади.

Ахсиент ёдгорлик мажмуасидаги ишлар сўнгги беш йилда сезиларли даражада ривожланди. Наманган вилояти ҳокимлиги 2018 йил баҳоридан Ўзбекистон

тон Фанлар академиясининг бир гуруҳ археологларини узлуқсиз тадқиқотлар олиб бориш учун тақлиф қилди. 2018 йил охири — 2019 йил бошларида Президентимиз ташаббуси билан Ахсиент ёдгорлиги битта объектада бирлаштирилиб, очик осмон остидаги музей тузилди.

Ахсиент

ВОДИЙ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА



2019 йилнинг 28 февраль куни давлатимиз раҳбари Ахсиентга ташриф буюриб, қилинаётган ишларни маълумлади ва янги қўрсатмалар берди. Тасдиқланган "Йул харитаси"га мувофиқ, 5 та янги объект очик осмон остидаги музейга тайёрланди ва фундаментал тадқиқотлар доирасида муҳим кашфиётлар қилинди. Хусусан, биринчи шахристон ҳудудидаги ун биринчи ва йигирма саккизинчи объекта Қорахонийлар даврига оид бойбадавлат оилга тегишли маҳобатли турар жой қолдиқлари очилди.

Ушбу объектларда Фарғона водийсида илк бор XI — XII асрларга мансуб деворий расмлар топилди. Шарқий работ ҳудудидаги йигирма туртинчи объекта Қорахонийлар даврида пишиқ гиштан қурилган салобатли турар жой қолдиқлари топилди, урганилди. Ҳатто бино тахоналари ҳам майда пишиқ гишталар ёрдамида геометрик шакллар билан безалган экан. Ҳозир бешта объектни очик осмон остидаги музейга айлантириш ишлари шиддат билан давом этмоқда.

Ахсиент илк ўрта асрларда дунёдаги энг ривожланган шаҳарлардан бири бўл-

ган. "Акси Андижондан ғарб сари тўққиз йиғочлик йўлда. Умаршайх Мирзо буни пойтахт қилган эди. Сайхун дарёси қўрғоннинг пастидан оқади. Қўрғонни баланд жар устида жойлашган. Хандақ урнида чуқур жарлар бор. Уни пойтахт тутган Умаршайх Мирзо бир-ички мартаба ташқаридан яна жарлар қаздирди. Фарғонада бунчалик мустаҳкам қўрғон йўқ", деб ёзилган манбаларда.

"У минтақанинг ўзига хос Регистони бўлади", деган эди Президентимиз Наманганга ташрифи чоғида. Қадимги Фарғона давлати пойтахти милоддан аввалги III-II асрлардан то эраимизнинг IX асри урталаригача Фарғона (хитойча "Юань"), милодий эранинг IX асри урталаридан XI аср урталаригача манбаларда Ахсиент, нумизматик материалларда эса Фарғона-Ахсиент, XI аср иккинчи ярмидан мўғуллар босқинигача Ахсиент, Умаршайх Мирзо ва Бобур Мирзо даврида Акси, баъзида Ахсиент деб аталган.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари Самарқанд, Термиз, Урганч, Қарши, Шахрисабз ва Кува сингари Ахсиент ҳам мўғуллар босқинидан кейин ўз жойини

ўзгартирган, яъни шимоли-ғарб томонга силжиган. Шаҳар мўғуллар босқини ва XIII аср иккинчи ярмидаги Мовароуннаҳрда мўғулларга қарши юз берган норозиликлар бостирилиши даврида буткул вайрон этилган.

Буларни тасдиқловчи археологик далиллар учрайди. Масалан, Эски Акси ёдгорлигининг иккита объектида очилган, Қорахонийлар даврига оид деворий расмлар билан безатилган маҳобатли турар жойларни мўғуллар вайрон қилгани яққол кўриниб турибди. Иншоотларнинг қисман пойдевори, ёниб улгурмаган ёғочлари ва деворий суратларга эга қўлам-қўлам сувоқ уюмлари сақланган, холос. Қазимша-



лар вақтида XI-XII асрларга оид тангалар ва XII аср охири — XIII аср биринчи чорағига тааллуқли сопол идишларга дуч келинди.

2019 йилда Ахсиентнинг работ қисмидаги йигирма туртинчи объекта ҳам Қорахонийларга мансуб ҳашаматли ту-

рар жой қолдиқлари топилди. Бинонинг асосий қисмидан биргина ташнав ва уюм-уюм пишиқ гишталар қолган. Аммо пишиқ гиштан қурилган тахоналари яхши сақланган. Эски Акси ёдгорлиги ҳудудидаги қазимшалар пайтида бирор жойда Темурийлар даврига оид архитектура қолдиқлари топилмади. Бундай осори атиқалар 1980-йилларда Яқкайит қишлоғи ҳудудида сақланиб қолган Янги Акси ёдгорлигидаги тадқиқотларда қўлга киритилган. Демак, Эски Акси ва Янги Акси топонимлари ягона Ахсиент шахрининг турли замонлардаги ҳаробаларига маҳаллий халқ томонидан берилган номлардир.

Жорий йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология институти археологлари ҳар икки жойда қазимша ишларини бажаради.

— Халқимизнинг узок ўтмиши хронологияси йирик қўламда урганилаётгани эътиборга лойиқ, — дейди Ахсиент экспедицияси раҳбари, профессор Абдулҳамид Анорбоев. — Бу, табиқи, нафақат кенг жамоатчилик, балки хорижий археолог олимларнинг ҳам Ах-

сиентга нисбатан қизиқишини орттирмоқда.

Ахсиентда бажарилаётган ишлар бу ерда тарихий ва зиёрат туризмининг янада ривожлантиришга, Наманганга келадиган сайёҳлар оқимины кўпайтиришга хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
11413 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғос бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Гафоров
Мусаҳҳис: Рашид Хужамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй